

ТАРЖИМА МАТНИДА ДИНИЙ СЎЗЛАР ТРАНСФЕРИ МАСАЛАСИ


<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-197-203>

Шамсиева Барнохон Бахромходжаевна

таянч докторант, ТДПУ

barnokhon_hi@yahoo.com

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда олиб борилаётган таржимашуносликнинг назарий ва амалий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, таржима белгиларнинг шунчаки ўзгариши эмас, балки тилнинг бошқа лингвомаданий муҳитга мослашишидир. Бир тилдан иккинчисига ўтиши натижасида тил билан биргаликда маданият ҳам ўзгаради. Биз мақоламизда алоҳида тил ёки маданият ҳақида эмас, уларни бир бутун сифатида қабул қилиб, лингвомаданий нуқтаи назардан таҳлил қиламиз. Ҳар бир матн ва белги прагматик мақсадга эга бўлиб, ушбу прагматик белгини сақлашда таржимашуносликда адаптациянинг ўрни муҳим.

Таржима амалга оширилиши бошланган илк даврларданоқ, таржима ҳақидаги барча назарий ва танқидий мунозаралар асосан асл маъно тизими таржимасининг тўлиқлиги ва аниқлик даражаси қай даражада бўлиши кераклиги масаласи атрофида айланади. Шу нуқтаи назардан XX асрнинг бошлари ва ўрталарида адаптацияга нисбатан таржимани бузувчи омил ёки усул сифатида қаралган. Бироқ, вақт ўтиши билан олимларнинг тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ўрганиши, инсон ҳаётидаги маданият белгиларининг тилда акс этилишини ўрганиши натижасида адаптацияга айниқса бадий таржима учун муҳим деб ҳисоблашни бошлашди.

Тил матн ва таржималарда акс этар экан, улар миллат маданиятини ўрганиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бир тилдан бошқасига таржима қилганда, икки тил ўртасидаги жиддий лексик-грамматик фарқлар билан биргаликда, ўша тилларда сўзлашувчи халқлар яшаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда кишилар онгида шу омиллар тақозоси билан тугилган тасаввур, тушунча, эътиқодлар ўртасидаги катта тафовутларга дуч келиниши кузатилади. Таржимон ушбу сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилганда, маданиятга хос бўлган сўзларнинг эквиваленти асл матндаги сўз маъносини беркитиши ёки умуман тушуриб қолдириши мумкин. Таржиманинг адаптация усули таржимада асл матннинг коммуникатив эффектини сақлаб қолиши учун қўлланиладиган муҳим усул бўлиб, унинг натижасида маданият трансферининг намоён бўлиши мақолада ёритилади.

Калит сўзлар: адаптация, таржима, таржима усули, диний реалиялар, маданият трансфери.

АННОТАЦИЯ

Теоретические и практические исследования в области переводоведения в последние годы показывают, что перевод - это не просто смена символов, а адаптация языка к другой лингвокультурной среде. В результате перехода с одного языка на другой вместе с языком меняется и культура. В нашей статье мы анализируем не об отдельных языках или культурах, а анализируем их с лингвокультурной точки зрения, рассматривая их как единое целое. У каждого текста и символа есть прагматическая цель, и роль адаптации в исследованиях перевода важна для сохранения этого прагматического характера.

С первых дней перевода все теоретические и критические дискуссии о переводе вращаются вокруг вопроса о том, насколько полным и точным должен быть перевод исходной системы значений. В этом смысле в начале и середине двадцатого века адаптация

рассматривалась как подрывной фактор или метод перевода. Однако в результате изучения взаимодействия языка и культуры, их взаимозависимости, изучения отражения культурных символов в жизни человека в языке ученые стали считать адаптацию особенно важной для художественного перевода.

Пока язык отражается в текстах и переводах, они служат основным источником для изучения культуры нации. В переводе с одного языка на другой, наряду со значительными лексическими и грамматическими различиями между двумя языками, существуют значительные различия между естественными, экономическими и политическими условиями, в которых люди говорят на этих языках, и представлениями, концепциями и убеждениями, порожденными этими факторами. Когда переводчик переводит эти слова напрямую, эквивалент слов, специфичных для данной культуры, может скрывать или опускать значение слова в исходном тексте. Адаптивный метод перевода - важный метод, используемый при переводе для сохранения коммуникативного эффекта исходного текста, в результате чего в статье описывается проявление культурного трансфера.

Ключевые слова: адаптация, перевод, метод перевода, религиозные реалии.

ABSTRACT

Theoretical and practical research in translation studies in recent years shows that translation is not just a change of characters, but an adaptation of a language to another linguocultural space. As a result of the transition from one language to another, along with the language, the culture also changes. In our article, we are not about individual languages or cultures, but analyzing them from a linguocultural perspective, taking them as a whole. Every text and character has a pragmatic purpose, and the role of adaptation in translation studies is important in maintaining this pragmatic character.

From the earliest days of translation, all theoretical and critical discussions about translation revolve around the question of how complete and accurate the translation of the original meaning system should be. In this sense, in the early and middle of the twentieth century, adaptation was seen as a disruptive factor or method of translation. However, over time, scholars have come to believe that adaptation is especially important for literary translation, as a result of the study of the interaction of language and culture, their interdependence, the study of the reflection of cultural symbols in human life.

As long as language is reflected in texts and translations, they serve as a primary source for studying the culture of a nation. Translated from one language to another, along with significant lexical and grammatical differences between the two languages, there are significant differences between the natural, economic and political conditions in which peoples speak those languages, and the imaginations, concepts, and beliefs born of these factors. When a translator translates these words directly, the equivalent of words specific to the culture may obscure or omit the meaning of the word in the original text. The adaptive method of translation is an important method used in translation to preserve the communicative effect of the original text, as a result of which the manifestation of cultural transfer is described in the article.

Keywords: adaptation, translation, translation method, religious realities, culture transfer.

Бир тилдан бошқасига таржима қилганда, икки тил ўртасидаги жиддий лексик-грамматик фарқлар билан биргаликда, ўша тилларда сўзлашувчи халқлар яшаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда кишилар онгида шу омиллар тақозоси билан туғилган тасаввур, тушунча, эътиқодлар ўртасидаги катта тафовутларга дуч келиниши кузатилади. Таржимон ушбу сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилганда, маданиятга хос бўлган сўзларнинг эквиваленти асл матндаги сўз маъносини беркитиши ёки умуман тушуриб қолдириши мумкин. Чунки, турли тил, маданиятлар ўзаро алоқага киришганда маънолар ассиметрияси юзага келиб бўшлиқ кўзга ташланади. Демак, “таржима бу тил кодининг оддий

ўзгариши эмас, балки матнни бошқа маданият призмаси орқали уни идрок этиш учун мослаштириш”[4,76] эканлигини ҳисобга олиш зарур. Н.А.Фененко лингвوماданият нуқтаи назаридан адаптацияни ўрганиб, асл матнни чет тилида қабул қилувчи аслият ғоясини тўлиқ тушуниши учун бошқа лингвوماданият маконга маълум усуллар ёрдамида мослаштириш [7, 70-71] деб тушунтирса, Комиссаровнинг таърифига кўра, адаптация - бу "асл мазмуни таржима матнида бошқа шаклда ифодаланган, тиллараро мулоқотнинг вазифаси" [3,48]. Яъни таржима матни аслиятнинг эквивалентига эришиши учун берилган сўзни бошқа шаклдаги ифодасидир.

Демак адаптация нафақат тиллар ассиметрияси, балки маданиятлар ассиметриясида ҳам қўлланилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, адаптация матннинг маъно тизимини сақлаб қолиш, шунга ўхшаш коммуникатив таъсирга эришиш учун айнан зарур бўлиб чиқади. Таржимада прагматик адаптацияни эътиборга олмасдан таржима қилиш эса баъзида таржима матни ўқувчисида асл матн муаллифи назарда тутмаган мутлақо бошқа ассоциацияни келтириб чиқариши мумкин. Таржимон таржимада нимани сақлаш, нимани эътиборга олмаслик ёки ўзгартириши мумкинлиги ҳақида иш жараёнида таржиманинг асосий тамойиллари асосида қарор қабул қилади. Агар у аслиятнинг бутунлигини, лисоний шаклини такрорламоқчи бўлса, метафорани метафора билан, эпитетни эса эпитет билан таржима қилиши лозим. Шундай экан, таржимада прагматик адаптацияни эътиборга олмасдан таржима қилишлик баъзида таржима матни ўқувчисида асл матн муаллифи назарда тутмаган мутлақо бошқа ассоциацияни келтириб чиқариши мумкин. Демак, адаптацияни қўллаш сабаблари тил бирликлари жиҳатидан эмас, балки, асосан аслият матни ва таржима матни маданиятларининг турлилиги юзасидан, ўқувчига аслият матни ғоясини ёрқинроқ етказиб бериш учун қўлланилади. Ж.–П.Вине ва Ж.Дарбельненинг фикрига кўра, таржимада адаптациядан воз кечиш нафақат тузилишга, балки ғоялар, фикрлар ва уларнинг таъсир кучига ҳам таъсир қилиши мумкин [1, 166].

Асл матн миллатига мансуб кишининг ҳаёти ва ўй-хаёлларида дин билан алоқадор тушунчаларнинг акс эттирилиши албатта шу миллатга мансуб ёзувчининг тасаввурлари ва тасвир имкониятлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирилган. Бадий асар таржимасида эса бу ҳолатларни ифодалаш энг мураккаб жараён ҳисобланиб, таржимондан катта маҳоратни талаб қилади. Нацумэ Сосекенинг “Қалб” асарида диний тушунчаларнинг трансфер бўлиш ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида япон тилидаги сўзлар ўзбек тилига ўгирилганида турлича ёндашилган ҳолатлар кузатилди. Жумладан, ушбу мақолада аслиятдаги динга алоқадор сўзларнинг таржимада ҳам диний атамалар билан берилиш ҳолатларини кўриб чиқамиз.

Асарнинг учинчи бобида устози шогирдига мактуб орқали ўзининг ўтмиши ҳақида баён қилиб, К исмли дўсти билан муносабати, унинг қарашлари, қизиқишлари ҳақида баён этиб, унинг фақатгина буддавийлик динига эмас, балки бошқа динлар – насронийлик, ислом динларига ҳам қизиқиши борлигини билиб олганини ҳикоя қилади¹.

その上彼は機会があったら、コーランも読んでみる積りだと伝えました。彼はモハッマドと剣ということばに大いなる興味を有っているようでした。[12, 170]

[Sono ue kare wa kikai ga attara, kōran mo yonde miru tsumorida to tsutaemashita. Kare wa Mohammado to ken to iu kotoba ni ōinaru kyōmi wo atte iru yōdeshita.]

“Бундан ташқари, имкони бўлса Қуръон билан ҳам танишиб чиқмоқчи эканлигини айтди. Чамаси, Муҳаммад ва ҳадислари унинг учун алоҳида мазмунга эга эди.” [5, 137]

Ушбу мисолнинг биринчи жумласида қаҳрамоннинг дўсти Қуръон билан танишиб чиқиш истаги борлигини баён қилади. Лекин япон тилида эса бу жумла 読んでみる[yonde miru] яъни “ўқиб кўрмоқ” феъли билан берилган. Қуръон китобининг чет тилларига

¹ Буддавийлик дини бошқа ҳудодларга сиғинишни тақиқламайди. Будда, уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар нирвана ҳолатига олиб бормади, деб таълим беради. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004.–Б. 62.

қилинган таржималарда ҳам ўқиш имконияти бўлса-да, уларда асосан Қуръоннинг мазмуни баён этилиши бизга маълум. Ислон динига эътиқод қилувчи мамлакатларда “Қуръон ўқимоқ” деганда, асосан араб тилида қироат қилишни амалга оширилиши назарда тутилади. “Танишиб чиқиш” эса унинг таржимаси ва мазмуни билан боғлиқ ҳолат бўлиб, Қуръоннинг бошқа тилларга қилинган таржимаси, тафсири мисолида кўришимиз мумкин. Зеро, асардаги қаҳрамон ҳам Қуръон китобини япон тилида мутола қилишини инobatга олиб, таржимада “танишиб чиқиш” феъли танланган деб ҳисоблаймиз ва бу билан аслиятнинг мазмуни ўзгармаган. Аслиятдаги муқаддас Қуръон китобини “ўқиб кўрмоқ” (読んでみる [yonde miru]) феъли ўзбек тилига “танишиб чиқмоқ” бирикмасига ўгирилгани ва бунда “қироат қилиш” тушунчаси Қуръон таржимасини ўқиб чиқиш маъносига силжигани натижасида трансфер содир бўлганини кузатамиз.

Юқорида берилган таржима матнидаги жумланинг иккинчи қисмида “Муҳаммад ва ҳадислари” бирикмаси аслият матнидаги モハammadと剣 [mohammado to ken], яъни “Муҳаммад ва қиличи” бирикмасининг таржимаси ўрнида берилган. Аслиятдаги “қилич” сўзи таржимада “ҳадис” сифатида таржима қилинган бўлиб, таржима матнида таржимон Муҳаммад (с.а.в.)нинг қиличлари деганда кўчма маънода уларнинг сўзлари, насихатлари акс этган “ҳадис” сўзини қўллаган бўлса ажаб эмас. Бироқ, Муҳаммад (с.а.в.) нинг машхур “Зулфиқор” номли қиличлари² ҳам бўлиб, аслият матнида ўша қилич ва у билан боғлиқ жанрлар назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Асарда бу билан боғлиқ бошқа жумлалар учрамаслигини ҳисобга олиб, бундай таржима асар мазмунига салбий таъсир кўрсатган дея олмаймиз, аммо, китобхоннинг тасаввури қилич ва у билан боғлиқ ассоциациялардан кўра ҳадислар билан боғлиқ тасаввурга кўчиб, қаҳрамоннинг ислон дини ҳақидаги маълумоти кўп экан деган тушунчани уйғотиши мумкин.

Ушбу жумла билан боғлиқ учинчи таҳлилимиз モハammadと剣ということばに大いなる興味を有っているようにした [Mohammado to ken to iu kotoba ni Ōinaru kyōmi wo atte iru yōdeshita] жумласи бўлиб, сўзма-сўз “Муҳаммад ва қиличи деган сўзга нисбатан катта қизиқиши борга ўхшарди” деб таржима қилинади. Таржима матнида “Чамаси, Муҳаммад ва ҳадислари унинг учун алоҳида мазмунга эга эди” деб берилиши албатта таржимон нуқтаи назаридан “қилич”нинг трансфер бўлган шакли “ҳадис”га нисбатан берилган бўлиши мумкин. Бунда таржимон ўзининг ҳиссиётлари ҳам таржимага сингиши натижасида трансфер содир бўлган деган фикрга келамиз.

Кейинги мисол:

私は又彼の部屋に聖書を見ました。私はそれまでに御経の名を度々彼の口から聞いた覚えがありますが、基督教に就いては、問われた事も答えられた例もなかったのですから、一寸驚きました。[12, 169]

[Watashi wa mata kare no heya ni seisho wo mimashita. Watashi wa sore made ni o kyo no na wo tabitabi kare no kuchi kara kiita oboe ga arimasuga, kirisutokyō ni tsuite wa, towa reta koto mo kotae rareta rei mo nakatta nodesukara, chotto odorokimashita.]

“Бундан ташқари К. нинг хонасида Библияга кўзим тушди. Бу ҳол мени бир оз таажжубга солди, чунки илгари ундан кўпинча турли буддавийча оятларни эшитиб турардим, аммо насронийлик тўғрисида ҳеч қачон сўзлашмаганмиз.” [5, 137]

² ЗУЛФИҚОР. Луғатда «тўлқинсимон изли» деган маънода. Пайғамбар алайҳиссаломнинг қиличлари номи. Ислондан аввал ҳам машхур бу қилич Расулуллоҳга (с.а.в.) ўтгунича маккалик Мунаббих ибн Ҳажжожга тегишли бўлган. Бадр жангида ўлжа қилиб олинган, у Расули ақрамга тақдим қилинган. Пайғамбаримиз вафотларидан кейин қилич Ҳазрати Алига ўтган.
<https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zulfiqor-uz/>

Таҳлилга тортмоқчи бўлган жумламиз 御経の名[o kyo no na] ибораси бўлиб, таржима матнида “буддавийча оятлар” тарзида таржима қилинган. Япон тилидаги 御経[o kyo] сўзида 御[o] иероглифи олд қўшимча ҳисобланади ва “хурмат белгисини ифодалайди. 1. Сухбатдош ёки учинчи шахсга нисбатан хурмат ифодалаш юзасидан уларга тегишли нарса ва буюмлари, ҳаракат сўзларига қўшилади. 2. Будда, худо, императорларга нисбатан хурмат изҳор қилиш учун улар билан боғлиқ сўзларга қўшилади.” [13, 310] Ўзбек тилида хурмат шаклга эга олд қўшимча мавжуд эмаслиги юзасидан таржима қилганда бу олд қўшимча лакунарлик ҳосил қилади. Ўзбек тилида одатда хурмат сўзлар билан ёки суффикслар орқали ифода қилинади.

経[kyo] сўзи япон тили катта изоҳли луғатида “1. Сутра сўзининг таржимаси. (イ) Будда таълимотларини жумла сифатида умумлаштирган китоб. Биргаликда у “Ўн икки бўлим” деб номланади. (ロ) “Тўққиз бўлим”, “Ўн икки бўлим”лардан бири, будда таълимотларини ифодалайдиган ёзув. Китоб.” [13, 665] сифатида таърифланади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “сутралар – қадимий ҳинд адабиётида фалсафа, дин, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, грамматика ва бошқалар бўйича ёзилган, панд-насихат, ибрат тарзидаги парчалар, қисқа рисоалар” дея таърифлангани нуктаи назаридан “сутра” сўзи ўзбек тилига бегона эмас. Демак, 御経の名[o kyo no na] жумласини таржимон “сутра номлари” деб берганида мақсадга мувофиқ бўлар эди, назаримизда. Чунки, таржимон таржима қилганидек “оят” каломи фақатгина ислом динига оид бўлиб, “Қуръон сураларининг банди. Исломга кўра, оят Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад (сав)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси” [10, 614] ҳисобланади.

Ушбу таржимада «оят» сўзи биров нотўғри танланган назаримизда. Диссертация мавзуимиз бўйича жумлада трансферни кузатсак-да, “буддавийча оят” таржимаси баъзи маълумотга эга эмас китобхонда барча дин муқаддас китобларидаги тугал жумлалар “оят” деб номланади деган хато тасаввур уйғотиши мумкин. Бундай ҳолатга нисбатан Р.Ширинованинг хулосасини келтириш ўринли: “Барча динлар учун умумий ва ҳар бир дин учун хос бўлган диний реалаялар мавжуд. Умумий реалаялар таржимасида таржима тилидан аслиятдаги истилоҳ – тушунчанинг муқобилини топиб, таржима қилинади. Лекин гап бевосита у ёки бу диний таълимотнинг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган реалаяларга бориб тақалганда улар транслитерация қилиниб, зарур изоҳлар келтирилади. ..., натижада, аксарият ҳолларда аслиятнинг бадиий-эстетик қиммати, уларнинг миллий ўзига хослиги ва тарихий давр кўриниши сақлаб қолинган.” [8, 8]

Юқоридаги бобларда қайд этганимиздек, таржима – бу трансфер демакдир. Маданият трансфери назариясида матнга натижа сифатида ёндашилиши нуктаи назаридан таҳлил қилсак, аслиятдаги муқаддас калом маъноси сақлаб қолиниб, таржима матнида унинг шакли, хусусиятлари ҳақидаги ассоциациялар силжиганини гувоҳи бўламиз. Чунки, асл матнда фақатгина “сутра”, “муқаддас номлар” маъносида келиб, таржима матнидаги “оят” тушунчаси, “дуо”, “қироат” каби тасаввурларни ўзига сингдириб трансфер ҳосил қилади.

Kにも宗教家らしい様子が、まったく見えなくなりました。 [12, 193]

[K ni mo shūkyōgarashī yōsu ga, mattaku mienaku narimashita.]

“К ҳам ўз навбатида ваъзхонга ўхшамай қолди” [5, 100]

Таҳлил қилаётганимиз ушбу жумла, Kにも宗教家らしい様子が、まったく見えなくなりました [K ni mo shūkyōgarashī yōsu ga, mattaku mienaku narimashita] жумласи сўзма-сўз “К нинг ҳам диний ҳолати умуман кўринмай қолди” маъносида келиб, аслиятдаги 宗教家 [shūkyōga] сўзи япон тили катта изоҳли луғатида “диний миссиялар билан шуғулланувчи роҳиблар, руҳоний ва бошқалар учун умумий атама. Бундан ташқари, кучли эътиқодга эга бўлган киши” [13, 1219] деб таърифланади. Бундан аниқланадики, 宗教家 [shūkyōka] сўзи Японияда кенг тарқалган айнан буддавийлик ёки синтоизм динига оид сўз эмас, балки, барча

динлардаги дин пешволарини ифодаловчи сўз ўзбек тилига “ваъзхон” деб таржима қилинган. “Ваъзхон” сўзи ўзбек тилидаги “диний акидаларни халққа, қавмга тушунтиришга, тарғиб қилувчи, маърузачи, нутқ сўзловчи” [11, 175] каби маъноларни беради. Мисолда тасвирланаётган қаҳрамон камгап, “ичимдагини топ” қабилидаги характерга эга бўлиб, оиласи шифокор бўлишини хошлашса-да, хуфёна тарзда ибодатхонада диндан таълим олаётган бўлиб, буддавийлик дини эътиқодида бўлади. Аслиятдаги 宗教家[shūkyōka] сўзига таржимон муваффақиятли тарзда “ваъзхон” сўзини муқобил сифатида танлагани диний коннотацияни ўзида сақлаб қолган бўлса-да, 宗教家らしい [shūkyōkarashī] сўзининг ёнидаги калитли сўз 様子[yōsu] сўзи сўзма-сўз “ҳолат” деб таржима қилиниб, “диний ҳолат” сўзини ифодаловчи диний пешво ассоциацияси ва камгап қаҳрамон таржима матнида “тарғиб қилувчи, нутқ сўзловчи” тасаввуридаги қаҳрамонга трансфер бўлади. “Ваъзхон” сўзи ҳозирги кунда диний ишлардан ташқари нотик, бирор масала бўйича маърузачи сифатида ҳам тушунилиб, аслиятда келган диний тушунчани бир мунча ўзидан соқит қилади ҳам.

Кейинги мисолдаги сўз деярли барча динларга хос бўлса-да, у ҳақидаги тушунча ва ассоциациялар турличалиги трансферга сабаб бўлади.

この際彼を人間らしくするのが専一だと考えたのです。[12, 180]

[Konosai kare wo ningenrashiku suru no ga sen'itsuda to kangaeta nodesu.]

“Муҳими, уни комил инсон даражасига қўтариш керак, деб ҳисоблар эдим.” [6, 96]

人間 [ningen] сўзма-сўз “инсон” маъносини англатиб, япон тили катта изоҳли луғатида биринчи бўлиб буддавийлик таълимотидаги маъносига изоҳ берилган. Унга кўра, 人間 [ningen] буддизмда 1) “олти йўл (дунё, олам)дан бири, инсонлар яшайдиган дунё” [13, 1890] бўлиб, бу дунёда қайта туғилса, буддизмни қайта ўрганиб нажот топишга имкон бор деган қараш мавжуд [15]. 2) Инсон оламида яшовчи, одам, инсон зоти. 3) Инсонийлик йўлини тутган жиддий шахс. 4) Одам, шахс каби маъноларни ўз ичига олади. Юқоридаги таҳлил қилинаётган мисолда, 人間らしくする [ningenrashiku suru] бирикмаси сўзма-сўз “инсоний бўлиш (бу ерда айнан дўстини инсоний қилиш)” деб таржима қилиниб, маъноси луғатдаги 3) изоҳга тўғри келади. Яъни, инсонийлик йўли – инсон дунёсига олиб боровчи йўл бўлиб, унга эришиш учун “инсон сифатида бажарилиши керак бўлган ахлоққа эга бўлиш – инсон бўлиш учун тўғри йўл” [13, 1890] ҳисобланади.

Таржима матнида келган комил инсон тушунчаси умуминсоний тушунча ҳисобланиб, ҳар бир динда баркамоликка эришиш тушунчасини ифода қилади. Ислом динида у “тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган (ёки Қуръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Унинг бутун олам учун бўлган фавқулудда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсади” [2, 137] маъносида қўлланилинади.

Мишель Эспанга кўра, ҳар қандай объект бир маданиятдан иккинчисига ўтиш, кўчириш жараёнида бошқа контекстга тушганда ўзига янги маъно касб этади. Масалан, турли тиллардаги универсал сўзлар ва атамалар ҳам турли ҳил маъно ва мазмунга эга эканлиги намоён бўлади. Асли келиб чиқиши француз тилидан бўлган “буржуазия” сўзи немис тилида ҳаттоки, рус тилида ҳам кўшимча маъно юклаб олади [9]. Таҳлил қилаётганимиз “Қалб” романида ҳам аслиятда келтирилган дин ҳақидаги тушунча, қараш матн таржимасида ҳам сақланиб қолган. Чунки, “комил инсон” тушунчаси барча динларда ҳам мавжуд умуминсоний тушунча ҳисобланса-да, ғояси турли ҳил. Яъни шакли биру маъно турлича. Бу ҳам, ўз навбатида, диний-маданий трансфер ҳолатини намоён этади.

Аслиятдаги *モハammadと剣* [mohammad to ken], яъни “Муҳаммад ва қиличи”, *コーランを読む* [koraanwo yomu] “Қуръон ўқимоқ” динга оид сўзларнинг таржима матнида “Муҳаммад ва ҳадислари”, “Қуръон билан танишиб чиқиш” каби ҳам адаптив диний атамалар билан берилишида албатта ҳар икки мамлакат динга нисбатан ўзининг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилгани ва бу ерда ҳар икки миллат дин ҳақидаги ўз тасаввурлари, айниқса, таржима матнида китобхоннинг дунёқарабини ҳисобга олган ҳолда баён этилганини гувоҳи бўламиз. Таржима матнидаги “ваъзхон”, “комил инсон” каби таржималар асар ўқиш жараёнида китобхонда миллий, исломий тушунчалар ассоциациясига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ (REFERENCES)

1. Вине Ж.-П., Дарбельне Ж. Технические способы перевода // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. -М., 1978. -С. 166.
2. Ислон. Энциклопедия: А-Ҳ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003. – 703 б.
3. Комиссаров В.Н. “Теория перевода (лингвистические аспекты)”. – М.: Высш. шк., 1990. - 216 с.
4. Сдобников В.В., Петрова О.В. Теория перевода. — М.: АСТ: Восток—Запад, 2007. — 448 с.
5. Сосеки Нацумэ. «Қалб». Жаҳон адабиёти, № 5(192), 2013. – Б. 7-34.
6. Сосеки Нацумэ. «Қалб». Жаҳон адабиёти, № 6(193), 2013. – Б. 115-139.
7. Фененко.Н.А. Лингвокультурная адаптация текста при переводе: пределк возможного и допустимого//Вестник ВГУ Серия:Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2001. В.1. С. 70-71.
8. Ширинова Р. Ҳ. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари. фил.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация, - Тошкент: 2002. – Б. 136.
9. Якушенко О. Что такое культурный трансфер. «Европейский университет в Санкт-Петербурге». Автономная некоммерческая образовательная организация высшего образования <https://eusp.org/news/chto-takoe-kulturnyj-transfer>
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 жилд. Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2004. – 614 б.
11. Ўзбек тилининг изохли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. – М.: 1981. –Б. 672.
12. 夏目漱石. 「心」. Printed in Japan, Shinchousha,1952. – P. 260.
13. 国語大辞典（新製版）、SHOGAKUKAN 1981. – P. 2624.
14. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zulfiqor-uz/>
15. <https://www.famille-kazokusou.com/magazine/manner/325>
16. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "Ideological and artistic searches in the short stories of the arab countries of the persian gulf at the beginning of the XXI century." Asian Journal of Multidimensional Research 10.10, 838-842.